

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ОМАНОВ ПЎЛАТЖОН ХАБИТОВИЧ

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ АУТЕНТИК
ВИДЕОМАТЕРИАЛЛАР ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 37.091.3:811.111

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy on
Pedagogical Sciences (PhD)**

Оманов Пулатжон Хабитович

Инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини
аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш.....3

Оманов Пулатжон Хабитович

Развитие социокультурной компетенции студентов при обучении
английскому языку с помощью аутентичных видеоматериалов25

Omanov Pulatjon Khabitovich

Developing Sociocultural Competence of Students While Teaching English
through Authentic Video Materials47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ОМАНОВ ПЎЛАТЖОН ХАБИТОВИЧ

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ АУТЕНТИК
ВИДЕОМАТЕРИАЛЛАР ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped205 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uzswlu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухитдинова Хадича Собировна
педагогика фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Тухтасинов Илхом Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Маматқулов Хуршид Абдурашидович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «____» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 20__ йил «____» _____ да тарқатилди.
(20__ йил «____» _____ даги __ – рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Л.Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва ижтимоий-маданий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ўзaro мулоқот воситаси сифатида чет тилларни ўрганишга эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Шу жиҳатдан олий таълим муассасаларида халқаро маълумот алмашинув тизими, таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялаш, инглиз тилини ўргатиш жараёнида талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш методларини, нутқий малакаларнинг ривожланганлик даражаларини ўлчаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларнинг замонавий таълим талабларига мослигини таъминлаш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Умумжаҳон миқёсида ахборот тизимининг глобаллашиб бораётгани дунёнинг етакчи таълим муассасаларида ижтимоий-маданий стратегиялар самарадорлигини ошириш ва чет тили мутахассисларининг касбий ва ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилиши кучайди. Дунё тажрибасида ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усулларини жорий этган ҳолда бўлажак мутахассисларни хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этишда компетентли ёндашув нуқтаи назаридан талабаларда хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикамизда таълим жараёнини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш, фанларни оффлайн ва онлайн ўқитиш жараёнларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, бўлғуси мутахассисларнинг чет тиллар бўйича компетентлиги масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистонда БМТнинг UNESCO қўмитаси ва DGP Research&Consulting ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурида «...замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда республикамизда, инглиз тили таълими бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш, дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4732–сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони.

ривожлантириш, кўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, соҳа бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб тилшунослигида чет тилларини ўқитиш масалалари З.Дорней, Е.Ушиода, К.Вутипонг, Й.Флоренс, Х.Хартоя, З.Занг, Р.Хенич каби олимларнинг илмий изланишларида кенг тадқиқ этилган².

Россияда чет тилларини ўқитишда АКТ, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш масалалари А.Гуркина, И.Зимняя, Д.Бузина, Н.Клевцова, О.Пестрецовалар томонидан ўрганилган³.

Мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш методикасига оид муаммолар Г.Бакиева, Ж.Жалолов, Т.Сагтаров, Л.Аҳмедова, Д.Хашимова, Г.Махкамова каби олимлар⁴, бўлғуси мутахассисларнинг чет тилларидаги компетентлиги

² Dörnyei Z. & Ushioda E. (2011) Teaching and Researching Motivation. 2nd Edition. – ISBN: 978-1-4082-0502-0 © Harlow: Pearson Education Limited.– 326 p.; Woottipong K. Effect of Using Video Materials in the Teaching of Listening Skills for University Students // International Journal of Linguistics. 2014/ V.6(6) P. 56-61.; Florence Y. Learning English through Films: A case study of a HongKong class. Hong Kong. 2009. 55 p.; Hartoya H. Individual Differences in Computer-Assisted Language Learning. – Oxford: Oxford University Press, 2002. – P. 41; Zhang Zh. The Use of Multimedia in English Teaching.– China: Leshan Normal University Press, 2016. – P.182-189; Henich R. Instructional Media and Technologies for Learning. – Beijing: Higher Education Press, 2002.– P.124.

³ Гуркина А.Л. Развитие иноязычной коммуникативной компетенции как основная цель обучения иностранному языку. –Казань: Молодой учёный №12 (92), 2015. – С. 726; Бузина Д.И. PowerPoint на занятиях английского языка: быть или не быть? Полилог культур: один мир – многообразие языков: Сб. науч. тр. / Под ред. Т.В. Шульдешова; Ярослав. гос. ун-т. – Ярославль: Изд-во ЯрГУ, 2009. – С. 196-200; Клевцова Н.И. Учебный потенциал мультимедийных технологий в обучении иностранным языкам // Информационные технологии в процессе подготовки современного специалиста: Межвуз. сб. — Липецк: Изд-во ЛГЛУ, Вып. 4. – 2001. – С. 96-107; Пестрецова О.Ю. Использование технологии «веб-квеста» на уроках иностранного языка / Современные тенденции в обучении иностранным языками межкультурной коммуникации. – Электросталь: Международной заочной научно-практической конференции, 2011. – С. 284-287.

⁴ Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic Devices in Compound Words. – Ausbage: Eastern European Scientific Journal, 3. – 2018. – P. 49-55; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т.: «Ўқитувчи», 2012. – Б. 294; Сагтаров Т.К. Бўлажак чет тил ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш

масалалари бўйича эса Ф.Рашидова, И.Тўхтасинов, К.Рискулова, Б.Қулматов, Х.Маматқулов, Ғ.Тажигаев, М.Гулямовалар тадқиқот ишлари олиб борганлар⁵.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Чет тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хорижий тилларни ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик ва психологик омилларини, мавжуд муаммолар ва имкониятларни ўрганиш;

бўлғуси мутахассисларнинг чет тилидан амалий кўникмаларини шакллантиришда тилни тил соҳибларининг турмуш тарзи ва маданияти билан уйғунликда ўргатишда аутентик материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

анъанавий оффлайн таълим шароитида талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантиришнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш;

онлайн таълимда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар ва электрон дарслик воситасида ривожлантиришнинг мазмуни ва шакллари ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган методик таъминотни аудитория машғулотлари ва масофавий таълим жараёнида тажриба-синовдан ўтказиш ва талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигининг ривожланганлик самарадорлигини аниқлаш.

технологияси. – Т.: 2003. – Б. 32-47.; Ахмедова Л.Т. Личностно – ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений // Conf. Fledu.uz.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.; Махкамова Г.Т. Идея прогрессивизма в обучении языку специальности. – Тошкент: Бўлажак чет тил ўқитувчисини йўналтириш технологияси: илмий-амалий конференция материаллари, 2009. – Б. 78-79.

⁵ Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально-методических основ внедрения CEFR в систему непрерывного образования Узбекистана (например английского языка): Дисс... докт. пед. наук. - Т.: 2017. – 258 б.; Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков: Автореф. дис. ... докт. пед. наук (DSc).; Рискулова К.Дж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Автореф.дисс.....п.ф.д. – Т.: 2017. – Б.62.; Қулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш.: Автореф. дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2018. – 21 б.; Маматқулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш.: Автореф. дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2017. – 20 б.; Тажибаев Г.Ш. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув.: Автореф. дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2018. – 24 б.; Гулямова М.Х. Инглиз тилини ўқитишда талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга интегратив ёндашув.: Автореф. дисс. ... пед. фан. докт. – Т.: 2019. – 24 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусининг ёритилишида адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, чоғиштирма таҳлил), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш усулларидадан фойдаланилган).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет тилларни ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда тил ўзлаштиришга салбий таъсир қиладиган мотивациянинг пасайиши, ишончсизлик каби аффеktiv ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган лингводидактик таъминотнинг самарадорлиги кўп қиррали интеллект (Multiple intelligence) ва эмоционал филтер гипотезаси (affective filter hypothesis) каби психологик омилларга устунлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талабаларга инглиз тилини мураккаб ўқитишга қаратилган мультимедиал ўқув ресурс манбалари веб-саҳифа кўринишидаги онлайн платформа (Online Platform) дастурлаш тилига оид императив, декларатив, функционал ва объектга йўналтирилган аутентик материаллар узлуксизлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тилини оффлайн таълим шароитида ўқитишда аутентик видеоматериаллардан фойдаланишга қаратилган лингводидактик таъминот самарадорлиги ҳаётий коммуникатив эҳтиёжлилиқ, фанлараро алоқадорлик, интегративлик тамойилларига асосланган уч босқичли (намойишдан олдинги – рецептив, намойиш жараёнидаги – репродуктив ва намойишдан кейинги – продуктив) машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш орқали исботланган;

онлайн таълим жараёнида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришда аудиторияга аслиятдаги реал воқеликни олиб кириш, коммуникатив ҳаётий вазиятларда мулоқот юритиш, этикет меъёрларини ўринли қўллай олиш, ўз ва ўзга юрт анъаналарини тўғри шарҳлай олиш каби мезонлар асосида такомиллаштирилган лингвотехнологик таъминот касбга йўналтириб ўқитишда бирламчи ва иккиламчи лисоний шахсни шакллантиришнинг муқобил усули сифатида таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш», «Мамлакатшунослик» фанларининг ўқув-услубий мажмуалари бўлғуси инглиз тили мутахассисларининг ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган мавзулар билан бойитилган;

талабаларнинг инглиз тили билими даражаси ва ижтимоий-маданий компетентлигини аниқлашга қаратилган онлайн тестлар туркуми (Online Testing) ишлаб чиқилган;

дистант таълим жараёнида инглиз тилида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган аутентик видеоматериаллар ва уларга топшириқлар тизимидан иборат веб-саҳифа кўринишидаги онлайн платформа (Online Platform) яратилган.

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш бўйича электрон дарслик ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда аутентик видеоматериаллардан фойдаланишнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллари асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлилий мулоҳазалар, тажриба-синов ишларининг натижавийлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, олинган хулосалар ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик ва иккиламчи маданий лисоний шахсни шакллантиришга олиб келувчи психологик омиллари аниқлаштирилганлиги; бўлғуси чет тили мутахассисларининг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантиришда аутентик видеоматериаллардан фойдаланишнинг афзалликлари ва имкониятлари аниқлангани; аутентик видеоматериалларнинг дидактик жиҳатдан тавсифлангани ва ҳаётий эҳтиёжларга мос ҳолда танлаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги; инглиз тилини ўқитиш самарадорлигини оширишда талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини инобатга олишнинг аҳамияти назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳаётий вазиятларга мос танлаб олинган аутентик видеоматериаллардан дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратишда, ўқув дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар мазмунини бойитишда фойдаланилганлиги; инглиз тилини оффлайн таълим шароитида ўқитишда аутентик видеоматериаллардан фойдаланишнинг уч босқичли тизимини қўллашнинг методик таъминоти ва полиграфик машқлар тўплами ишлаб чиқилгани; талабаларни ўз устларида мустақил ишлашлари учун инглиз тилидан электрон дарслик, топшириқлар тизими ва онлайн тестлар туркуми платформасини яратиш ва онлайн таълим шароитида жорий этиш орқали талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш юзасидан олинган илмий-назарий натижалар асосида:

хорижий тилларни ўқитишда талабалар талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик омиллари чет тилларини тил соҳибларининг турмуш тарзи, маданияти билан уйғунликда ўрганиш ва иккиламчи лисоний шахсни шакллантиришга оид материаллардан СамДЧТИда 2016-2018 йилларда бажарилган Европа Иттифоқининг ERASMUS+ доирасидаги 561624 EPP-1-2015-1-UK-EPPKA 2-CBНЕСP ІМЕР: «Ўзбекистонда таълим ва олий таълим соҳасидаги жараёнларни модернизациялаш ва халқаролашув» мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 04 декабрдаги 89-03-5079-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу материаллар олий таълим муассасалари талабаларининг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

инглиз тилини ўқитишда аутентик видеоматериалларни ҳаётий коммуникатив эҳтиёжлардан келиб чиқиб танлаш ва амалий қўллаш тамойиллари ҳамда онлайн таълим жараёнида талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигини мультимедиа ва электрон дарсликлар воситасида ривожлантириш мазмуни ва шаклларида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2015-2017 йилларда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғатини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5289-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигини мультимедиа ва электрон дарсликлар воситасида ривожлантириш мазмуни ва шакллари республикамизда чет тилларни ўқитиш таълими сифатини ошириш ҳамда инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

оффлайн таълим шароитида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияси компонентлари, уларнинг дидактик тавсифи ва уларни ривожлантиришнинг психологик омиллари, талабаларда иккиламчи маданий лисоний шахсни шакллантириш орқали инглиз тилини ўқитишда таълим самарадорлигини оширишга қаратилган аутентик материаллар ва педагогик технологиялардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2015-2017 йилларда бажарилган бакалаврлар учун яратилган А-1-219 рақамли «Таълим тизимида чет тил (инглиз) йўналишларида умумевропа компетенцияларини CEFR индикаторлари бўйича C1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзуси бўйича

бажарилган амалий лойиҳанинг «Reading», «Writing» ва «Listening» мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 89-03-932-сонли маълумотномаси) Натижада иккиламчи маданий лисоний шахсни шакллантириш воситасида бакалаврларнинг инглиз тилидаги ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаб тушуниш компетенциялари ривожлантирилган.

онлайн таълим жараёнларида талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетентлигини мультимедиа ва электрон дарсликлар ёрдамида ривожлантиришга оид хулосалардан чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази «Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари» модулини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг 2020 йил 02 июндаги 10-06/32-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу хулосалар инглиз тилини ўқитиш сифатини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 4 та халқаро, 12 та республика ва ОТМлари миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақола, 1 та электрон дарслик ва 1 та машқлар тўплами чоп этилган бўлиб, шулардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда (3 та маҳаллий ва 4 та хорижий журналларда), ҳамда 17 та тезис (10 та республика ва 7 та халқаро конференция тўпламларида) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 121 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси, унинг долзарблиги асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантириш хорижий тилларни эгаллашнинг муҳим омили сифатида**» деб номланган биринчи бобида хорижий тилларни ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг дидактик ва психологик омиллари ўрганилган, инглиз тилини ўқитишда

талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш ҳолати таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф қилиш имкониятлари ёритилган.

«Ижтимоий» атамаси «жамиятга оид, ҳаёт билан, кишиларнинг жамиятдаги муносабатлари билан боғлиқ» маъноларини, «маданият» атамаси эса арабча «мадина» – «шаҳарлик» деган маънони англатади. Ҳар икки атаманинг бирлашишидан ҳосил бўлган «ижтимоий-маданий» тушунчаси «кишилиқ жамияти учун энг қадрли бўлган нарсалар, ҳодисалар, фаолиятга оид», «минтақавий қадриятлар худуди, тарихи, иқтисодиёти, маданияти, дини, тили, урф-одатлари ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисаларга оид»⁶ маъноларини ифодалайди. Ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантиришда нутқий коммуникация жараёнида коммуникатив ҳулқ-атвор ҳақидаги билим ва кўникмалар вербал ва новербал ҳулқ-атвор кўникма ва малакалар асосида амалга оширилади. Чет тилини ўқитишда унинг соҳиби маданиятини ҳам уйғунликда ўргатиш кўп қиррали масала бўлиб, ушбу муаммо тилшунос олимлар, методистлар, социолог ва психологлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

Чет тилларини ўқитиш бўйича тадқиқот ишларида маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантириш, бўлғуси чет тили мутахассисларининг ижтимоий компетенцияси масалалари алоҳида тадқиқ этилган. Жумладан, Г.Маҳкамова филология йўналишида талабаларнинг маданий билимдонлигини, касбий салоҳиятини оширишда бўлғуси чет тил мутахассисларини касбий фаолиятга маданиятлараро мулоқот орқали тайёрлашни таклиф қилади⁷. К.Рисқулова эса сўзловчининг коммуникатив жараёнда ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари мазмуни ва моҳияти асосида ўз-ўзини ва атрофдагиларни нутқ техникаси талаблари асосида ижтимоийлаштириб боришда социолингвистик компетенциянинг аҳамияти катталигини таъкидлайди⁸.

Бўлғуси чет тили мутахассисларининг ижтимоий-маданий компетенцияси эса чет тилда мулоқот олиб борувчи коммуникантнинг тил соҳибларининг тарихи ва маданияти, ижтимоий ва миллий-маданий хусусиятлари, нутқий ҳулқ-атвори ва муомала қоидаларидан хабардор бўлиши ҳамда ана шу билимлардан фойдаланган ҳолда ўзга маданиятлар вакиллари билан муваффақиятли мулоқотга кириша олиш лаёқати бўлиб, бу ижтимоий-маданий билимлар ва кўникмаларни шакллантиришда танланган касб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лингвомамлакатшунослик ва мамлакатшунослик бўйича билимларни ҳам янги мавзу ва нутқий мулоқот муаммолари ҳисобидан кенгайтириб боришни тақозо этади. Тили ўрганилаётган мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий

⁶ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. – М.:2000. – С.187.

⁷ Махкамова Г. Формирование межкультурной компетенции студентов филологического вуза (английский язык). Дисс....доктора педагогических наук. –Т.: 2011. – С.43.

⁸ Рисқулова К. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Автореф.дисс.....п.ф.д. – Т.: 2017. – Б.62.

маданияти ва табиати билан таништириб бориш мураккаб интеграр жараён ҳисобланиб, бунда талаба нафақат тилини ўрганаётган мамлакат, балки ўзи туғилиб ўсган юрт урф-одатлари, миллий маданиятини ҳам қиёслаб ўрганади. Ўзаро мулоқот жараёнида мунтазам дуч келинадиган миллий-маданий хусусиятларни билмаслик муомалада ноқулай вазиятларга олиб келиши мумкин.

Дарҳақиқат, чет тилда мулоқот олиб боровчи коммуникант чет тилни грамматик ва фонетик жиҳатдан қанчалар чуқур ўрганган бўлмасин, агар у ижтимоий-маданий билимларни етарли даражада эгалламаган бўлса, у қурган суҳбатнинг муваффақиятли кечиши кафолатли бўлмайди. Чет тилларни ўрганишда маҳаллий маданиятга хос бўлган қадриятлар сингдириб борилсагина, турли тиллар ва маданиятлар вакиллари муносабатлари тўлақонли амалга ошади. Натижада, она тили ва ўз маданиятидаги бирламчи олам манзараси бегона тилдаги иккиламчи олам манзараси билан қиёсланади. Чет тил ва маданиятини ўрганишда юзага келадиган иккиламчи олам манзараси – бу шунчаки тилда акс этувчи маданий манзара бўлибгина қолмай, балки тил орқали ифодаланувчи ва тил ёрдамида яратиладиган лисоний манзара ҳамдир. Ушбу психологик омиллар иккиламчи маданий-лисоний шахснинг шаклланишига олиб келади, яъни чет тилни ўрганувчи тили ўрганилаётган мамлакат маданиятига кириб боради ва икки тил маданиятининг соҳибига айланади (1-расмга қаранг).



1-расм. Маданий-лисоний шахс компонентлари ва уларнинг шаклланиш жараёни

Демак, бир тилни билган инсон бир маданиятни билиб, бир оламнигина кўришга муваффақ бўлса, икки тилни билган шахс иккинчи олам манзарасини ҳам ҳис этади ва ўзида иккинчи маданиятни ҳам эгаллаган иккиламчи маданий-лисоний шахсни гавдалантиради.

Ижтимоий-маданий компетенция мамлакатшунослик ва лингвокультурологияга оид ишларда фақат тили ўрганилаётган мамлакатларнинг ижтимоий-турмуш тарзи ва миллий маданий хусусиятларини ўргатиш билангина чегараланиб қолиши мумкин эмас. Талаба фақат тил ўрганилаётган мамлакат турмуш тарзи, маданий

кадриятларини ўзлаштириш жараёнида, ўз халқининг миллий-маданий кадриятларининг тарғиботчиси ҳам бўлиши керак. Бу ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини, бўлғуси мутахассисларнинг чет тилларини ўрганиш жараёнида ўзга маданият таъсири остида қолмаслигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва кафолатлайди.

Тадқиқот жараёнида талабалар ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш ҳолати ва инглиз тили фани ўқув-услугий таъминотини ўрганиб чиқиш узлуксиз таълим тизимининг қуйи босқичларида инглиз тилидан тузилган ўқув дастурлари, дарсликлар мазмунида узлуксизлик ва узвийлик нисбатан таъминланганлигини, уларда ўрганилаётган тил соҳибларининг турмуш тарзи ва маданий ҳаёти ҳақида берилган мавзулар ва аутентик матнлар ўқувчиларнинг ёшига мос равишда танлангани ва босқичма-босқич ўсиб борганини, машқ ва топшириқлар ҳам мавзуларга мос тузилганини кўрсатди. Бироқ олий таълим босқичига ўтгач, ушбу узлуксизлик занжирида узилиш юзага келгани, олий таълим ўқув дастурларининг қуйи таълим ўқув дастурлари билан мувофиқлаштирилмаганлиги ижтимоий-маданий компетенциянинг тадрижий равишда ривожлантириб борилишига монелик қилмоқда. Бугунги кунда олий таълимда «Хорижий тилларни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш», «Ўлкашунослик», «Касбий маданият ва этикет» фанларининг ўқитилиши йўлга қўйилган бўлса-да, ушбу фанлар бўйича дарсликлар, қўлланмалар яратилмаганлиги оқибатида ўқитувчиларнинг ўзлари тайёрлаган материаллардан фойдаланишлари давлат таълим стандартлари талабларининг тўлиқ таъминланмаслигига олиб келмоқда.


Кўринадики, чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари анча кенг бўлса-да, таълим жараёнининг ўқув-услугий таъминоти қониқарли ҳолатда эмас. Бу аудитория машғулотлари ва тобора оммалашиб бораётган дистант таълимда инглиз тилидаги аутентик видеоматериаллар билан самарали ишлашни таъминлашга қаратилган мультимедиа таълим воситаларини ишлаб чиқишни ўта долзарб қилиб қўймоқда.

Диссертациянинг «Аутентик видеоматериаллар воситасида талабаларнинг инглиз тилидаги ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг самарали йўллари» деб номланган иккинчи бобида аутентик видеоматериаллар ва уларнинг талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришдаги афзалликлари, аутентик видеоматериалларни қўллашда электрон дарслик ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш мазмуни ва шакллари баён қилинган.

Аутентик материал тушунчаси хорижлик олимлар томонидан кенг талқин қилинган. Жумладан, Рон Оливер ва Жанисе Ҳеррингтонлар фикрича, ушбу атама реал ҳаёт билан бевосита боғлиқ материаллар бўлиб, реал вазиятларга дуч келишга тайёргарлик кўришга қаратилган⁹. Ферит Киличкя

⁹ Herrington J., Oliver R. An instructional design framework for authentic learning environments // ETR&D. 2000/ V.48 P. 23-48.

эса аутентик материал тил соҳиблари томонидан табиий ҳаётий вазиятларда учрайдиган тил материалларини ўз ичига олади ва ҳақиқий тилнинг жамиятда қўлланилишини кўрсатади, деб ҳисоблайди¹⁰. Демак, аутентик материаллар аудитория ва ташқи дунё ўртасидаги тафовутни бартараф қилишга ёрдам берувчи восита бўлиб, айти вақтда аудиторияга реал ҳаётий вазиятларни олиб киришга хизмат қилади, талабаларга тили ўрганилаётган халқ маданиятининг ҳаёти, урф-одатлари ва турмуш тарзи билан бевосита алоқа қилиш учун шарт-шароит яратади. Ушбу кенг компонентли материаллардан фойдаланиш талабалар учун муҳим рағбатлантирувчи омил ҳисобланиб, тили ўрганилаётган мамлакат халқини яқиндан англаш имконини беради (2-расмга қаранг).



2-расм. Аутентик материаллар ва аутентик видеоматериалларнинг таркибий қисмлари ва ижтимоий-маданий компетенцияларни ривожлантиришдаги афзалликлари

Чет тили дарсларида ижтимоий-маданий компетентликни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган аутентик материалларнинг кўлами жуда катта, бироқ аввал улар орасидан талабаларга ва таълим жараёнига мос материалларни танлаш тамойилларини белгилаб олиш керак бўлади. Аутентик материаллар нафақат ўқув дастури мавзуларига, балки талабалар тилни билиш даражасига, ёши ва дунёқараши талабларига жавоб бериши, айти пайтда талабанинг ёш психологияси, диний эътиқоди, дунёқараши, дидактик жиҳатдан маданий мувофиқлик ҳамда ҳаётий коммуникатив вазиятларга эҳтиёжлилиги тамойилларига мос бўлиши ҳам керак.

¹⁰ Kilickaya F. Authentic materials and culture content in EFL classrooms// The Internet ELT Journal. 2004/ V.10 (7). – P. 111-137.

Аутентик видеоматериаллар тил соҳибларининг ҳаёт муҳотида алоқа воситаси сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларига оид лингвистик ва экстралингвистик маълумотларни ўз ичига олган, чет тилларини ўрганишлари учун катта мотивация уйғотадиган ва айни пайтда аслиятдаги нутқ, материал мазмунидан келиб чиқиб ўзини ўзи баҳолаш имкониятини берадиган ўта самарали восита бўлиб, видеоматериалларнинг визуал ва овозли комбинациясидан ташкил топади. Аутентик видеоматериалларнинг айнан ҳаётий вазиятбоплиги ушбу материаллардан таълим жараёнида фойдаланишда талабаларда катта мотивация беради. Ҳеч бир материал ўрганилаётган мамлакатнинг ижтимоий-маданий воқелиги ҳақида аутентик видеоматериалларчалик тўлиқ тасаввур уйғота олмайди ва чет тилларида ўзаро мулоқот қилиш жараёнида вербал ва новербал бўлмаган алоқалар кодларининг комбинациясини тўлиқ намоиш эта олмайди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бундай материаллардан оффлайн таълим шароитида ҳам, онлайн таълимда ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Аммо аутентик видеоматериаллардан фойдаланиш самарадорлиги машғулотни ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришга йўналтирилган машқ ва топшириқларни мақсадли равишда қўллаш ва дарс жараёнини босқичма-босқич тўғри ташкил этилишига боғлиқ.

Аутентик видеоматериаллар устида ишлашни шу тарзда ташкил этиш талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатлар халқларининг турмуш тарзи, маданиятига оид барча вербал ва новербал воситаларни ўзлаштиришлари, уларни ўз мамлакати, халқи қадриятларига қиёслаб қабул қилишга, ўрни келганда миллий-маънавий қадриятларимизни ҳам уларга етказишга ундайди. Айни вақтда талабаларда шакллантирилган ижтимоий-маданий компетенция уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Аутентик видеоматериаллардан фойдаланишнинг афзалликларидан яна бири талабаларда мустақил таълим кўникмаларини ҳам шакллантириб бориш бўлиб, дарс жараёнида аутентик видеоларни ўрганиш натижасида ҳосил қилинган муайян кўникмалар уларда дарсдан ташқари вақтда ҳам видеоларни кўриш жараёнида лавҳалар устида шу тарзда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириб борилишига ёрдам беради ¹¹.

Талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда аутентик видеоматериалларга оид матнларни танлаш мавзуларга мослаштириш ҳамда талабаларни мазкур мавзу лексикасига ўргатувчи машқлар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Тадқиқотимиз объекти сифатида аутентик видеоматериаллар танлангани учун биз тавсия қилган машқлар типологиясини бевосита видеоматериалларни намоиш қилиш жараёни босқичлари билан боғлаган ҳолда машқ ва топшириқлар билан ишлашни учта асосий: намоишдан олдинги, намоиш жараёнидаги, намоишдан кейинги босқичларда ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Аутентик видеоматериаллар намоиши жараёнида талабалар эпизодлар орасида жой олган муайян машқ

¹¹ Kilickaya F. Authentic materials and culture content in EFL classrooms// The Internet ELT Journal. 2004/ V.10 (7). – P. 111-137.

ва топшириқларни бажарадилар. Бу талабаларнинг видеолавҳалар мазмунини теран тушуниб олишларига имкон беради.

Ушбу босқичларда қўлланадиган машқ ва топшириқлар турларини ишлаб чиқишда биз В.А. Бухбиндер ва Е.А. Лагай томонидан яратилган коммуникатив машқлар турларига таяндик. В.А. Бухбиндер ўз тадқиқот ишида информацион, операцион ва мотивацион машқлар турларини ажратган бўлиб, унинг фикрича, ушбу машқларни билим, кўникма ва малака бериш машқлари деб аташ ҳам мумкин¹². Е.А. Лагай эса машқларни рецептив (тайёрлов, аналитик ва имитатив), репродуктив (синтетик, яримконструктив), продуктив (конструктив ва трансформацион) машқлар турларига таснифлаган¹³. Мазкур босқичларни аутентик видеоматериал мазмунига мос топшириқлар ва машқлар интерфаол методлар асосида ташкил этишгина талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат вакилларининг ижтимоий-маданий хусусиятларини самарали ўзлаштиришларига эришиш мумкин бўлади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Аутентик видеоматериаллар билан ишлаш босқичлари ва методик тизими

Босқичлар	Машқ ва топшириқлар	Интерфаол методлар
Биринчи босқич Намойишдан олдинги жараён	1. Аутентик материалнинг ижтимоий-маданий контексти билан танишиш 2. Янги сўзлар ва иборалар нутқнинг қайси регистрга (расмий, норасмий) тегишли эканлигини аниқлаш; 3. Сўзларни ва сўз бирикмаларини тематик асосда гуруҳларга бирлаштириш (mind mapping); 4. Сўзлашув ёки бошқа услубга хос бўлган турғун иборалар, клише бирикмалар таҳлили (турли ижтимоий маданий контекстларга тоифалаш)	«Қийинчилик галтаги» («Reel of Difficulty») «Сохта википедия» («Fake Wikipedia») методи,
Рецептив машқлар		
Иккинчи босқич Намойиш жараёни	1. Социолингвистик кузатиш жараёни 2. Ижтимоий-маданий таҳлил жараёни	Иллюстратив аклий хужум» («Image Brainstorm»)
Репродуктив машқлар ва методлар		
Учинчи босқич Намойишдан кейинги босқич (Коммуникатив ҳолатни яратиш босқичи)	1. Муҳокама жараёни баҳс-мунозара, савол-жавоб. 2. Ҳамкорликда ишлаш: 3. Симуляцион ўйинлар орқали реал коммуникатив вазиятни яратиш (ижтимоий-маданий коммуникатив ҳолат орқали тил кўникмалари ва ижтимоий-маданий компетенцияни намойиш қилиб бериш) 4. Ижтимоий-маданий компетенцияни ривожланган ҳолатини аниқлаш	«Биргаликда ҳаракат қилиш» («Share and Care»), «Мамлакат фаҳри» («Pride of the Country»), методлари.
Продуктив машқлар ва методлар		

Намойишдан олдинги босқичда аввал тинглаб тушунишга тайёрловчи – рецептив топшириқлар берилиб, талабалар таянч сўзлар ва бирикмалар

¹² Бухбиндер В. А. О системе упражнений // Общая методика обучения иностранным языкам: хрестоматия. – М., 1991. – С. 92–99.

¹³ Лагай Э.А. Лингвометодические основы обучения учащихся билингвов 5-6 классов средствам выражения определительных отношений в русском языке: Дисс. ... канд.пед.наук. – Т., 2005. – 196 С.

воситасида аутентик материалнинг ижтимоий-маданий контексти билан таништирилади: янги сўзлар ва иборалар нутқнинг қайси услубига (расмий, норасмий) тегишли эканлигини аниқлаш, сўзлар ва сўз бирикмаларини мавзувийлик асосида гуруҳларга бирлаштириш (mind mapping), сўзлашув ёки бошқа услубга хос бўлган турғун иборалар, клише бирикмаларни турли ижтимоий маданий контекстларга тоифалаш орқали таҳлил қилишга оид топшириқлар бериледи. Ушбу топшириқлар орқали талабалар кейинги босқич – намойиш жараёнига тайёрланади, яъни намойиш жараёни оддий томоша қилишдангина иборат бўлиб қолмаслиги, намойиш вақтида талабалар социолингвистик кузатиш ва ижтимоий-маданий таҳлил қилиш каби ўйлашга жалб қилувчи репродуктив топшириқларни бажаришларига, кўрган ва эшитганларини амалий қўллаш бўйича реал комуникатив вазиятни яратишларига замин тайёрланади. Намойишдан кейинги босқичда эса симуляцион ва ролли ўйинлар ёрдамида талабалар ўзларида шакллантирилган ижтимоий-маданий компетенцияни намойиш қилиб бера олишга қаратилган машқларини бажаришлари тавсия этилади.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари ўқитувчилари олдига ўқитилаётган фаннинг ўзлаштириш сифатини ошириш вазифаси бўйича янги талаблар қўйилмоқда. Таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш, онлайн таълимнинг тобора кенгроқ оммалашиб бораётгани чет тилларини ўқитишни янада такомиллаштиришни, замонавий таълим технологияси воситаларидан, мультимедиа ва электрон дарсликлардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Хусусан, талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда ўқув адабиётларининг янги авлоди– мультимедиа ишланмалари ва электрон дарсликлардан фойдаланиш самарали усуллардан биридир. Мультимедиа ишланмалари ахборот тақдим этишнинг энг замонавий воситаси бўлиб, бу дастурий маҳсулот матнли материаллар, фотосуратлар, суратлар, слайд-шоулар, товушли безак ва суҳандон жўрлиги, видеолавҳалар ва анимация, уч ўлчамли графикалардан иборат бўлиши мумкин¹⁴.

Дистант таълим жараёнида ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришда ўқув видеофильмлар, бадиий ва хужжатли фильмлар, муסיқий видеофильмлар, виртуал видеосаёҳатлар, ТВ шоуларининг видеоёзувлари, ТВ янгиликлар, мультфильмлар каби электрон воситалардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Ўқув жараёнини юқори самарадорлик билан ташкил этишнинг асосий шартларидан бири электрон дарсликларни ишлаб чиқиш бўлиб, электрон дарслик ёрдамида намойиш қилинган аутентик видеоматериал талабаларга нафақат ижтимоий-маданий мавзуларни аутентик видео орқали бевосита кўриш, шарҳлаш, блогларда муҳокама қилиш, балки мустақил равишда ўз маҳсулотларини тайёрлаш, ва ҳатто амалда бажариб кўриш имконини ҳам беради. Улардан қандай фойдаланиш электрон

¹⁴Беляева Л.А., Иванова Н.В. Презентация PowerPoint и ее возможности при обучении иностранным языкам // Иностр. языки в школе, № 4. – 2008. – 162 с.

дарсликнинг методик мақсадига боғлиқ бўлади (график белгилар – ёзув, аудио-ёзув, видео-ёзув, расм, схемалар шаклида; аралаш кўринишли лавҳаларда ва ҳ.з.).

Тадқиқотимиз жараёнида «Мамлакатшунослик» фанидан яратилган электрон дарсликда «The United Kingdom and Northern Ireland», «The United States of America», «History of the USA», «Symbols» ва «Uzbekistan» мавзулари орқали Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг кундалик турмуш тарзи ҳақидаги аутентик материаллар билан таништириш ва талабаларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш; «British Cultural Life», «Famous People» мавзулари орқали эса Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакат урф-одатлари, машҳур инсонлари ҳақидаги миллий маданий кўникмаларини шакллантириш режалаштирилган. Электрон дарсликда нафақат фанлараро алоқаларни амалга ошириш, балки аутентик материаллар воситасида талабаларнинг аслиятдаги нутқни тинглаш ва реал жонли нутқ вазиятини кузатиш, ўрганилаётган тил акцентидаги сўзларнинг урғуси, гап оҳанги, нутқ тезлиги ва ифодалилиги жиҳатларини ўзлаштириш, мулоқот юритишда вербал ва новербал воситалар, жестлардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш, тил соҳибларининг мулоқот чоғида ўзини тутиши, суҳбатлашиш манералари, миллий маданий хусусиятларини ўрганиш орқали талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантириш мақсади ҳам кўзда тутилади.

